Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2013 йил
15 июнь
ШАНБА
№ 49 (12581)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ИККИ ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Халқимиз шу йил 1 сентябрь куни Ўзбекистон давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик тўйини катта тантана, шоду хуррамлик билан кенг нишонлайди.

Биз учун энг улуғ, энг азиз айём бўлмиш Мустақиллик байрамини марказда ва жойларда ҳар томонлама чуқур тайёргарлик билан кутиб олиш мамлакатимизда эзгу анъанага айланиб қолган.

Ҳақиқатан ҳам, умуммиллий байрамимиз бўлган бу қутлуғ сана ҳақида сўз борар экан, ўтган давр мобайнида босиб ўтган йўлимизни, амалга оширган ишларимизни холисона сарҳисоб қилиб, бугунги ютуқ ва марраларга аввало қандай оғир ва машаққатли меҳнат эвазига эришганимизни яна ва яна бир бор кўз ўнгимиздан ўтказишимиз табиийдир.

Мустақиллик байрамининг йигирма икки йиллигини юксак савияда, муносиб тарзда нишонлаш мақсадида:

1. Байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссиясининг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Республика ва ҳудудий комиссиялар Мустақиллик байрамини пойтахтимиз Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида, барча шаҳар, туман ва қишлоқларда уюшқоқлик билан, кўтаринки руҳда ўтказишга қаратилган, "Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!" деган шиорни асосий ғоя сифатида ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маданий-маънавий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини ишлаб чиқсин.

2. Дастурни тайёрлашда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилсин:

мустақиллик – бу аввало ҳуқуқ эканини, фақат мустақиллик орқалигина шахс ўз қадр-қиммати, орномуси ва ғурурини англаши, истиқлол юртимизда яшаётган, миллати, тили, динидан қатъи назар, барча фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг асосий омили эканини кенг очиб бериш;

халқимиз ўтган даврда турли синов ва қийинчиликларга қарамасдан, ўзининг мустаҳкам иродаси, қатъият ва матонати, истиқлол ғояларига садоқатини намоён этиб, жаҳон майдонида муносиб ҳурмат-эътибор қозонганини чуқур таҳлиллар орқали кўрсатиш;

Ўзбекистоннинг ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўли – ўзбек моделининг мамлакатимиз учун ҳал қилувчи бир пайтда энг тўғри, энг оқилона йўл сифатида танланганини, ўтган йиллар давомида бу йўл юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон, ҳар бир оила, бутун жамиятимиз ҳаётида синовдан ўтиб, амалда ҳар томонлама ўзини оқлагани ва бугунги кунда амалий натижасини бераётганини аҳоли ўртасида ўтказиладиган ташвиқот-тарғибот ишлари, жонли суҳбат ва мулоқотларнинг асосий йўналиши деб қабул қилиш;

мамлакатимизда мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб белгилаб олинган "Ислоҳот – ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун" деган, одамларимиз қалбидаги эзгу орзу-интилишларни яққол ифода этган олижаноб даъват халқимизни ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида сафарбар этгани, юртдошларимизнинг юрагига чуқур кириб боргани истиқлол йилларида эришган барча ютуқларимизнинг ҳаётбахш манбаи бўлиб келаётганига алоҳида эътибор қаратиш;

мустақилликка эришиш арафасида ва истиқлолнинг дастлабки йилларида, мамлакатимиз кескин ижтимоий муаммолар гирдобида қолиб кетган таҳликали бир пайтда мавжуд вазиятни ижобий томонга ўзгартириш мақсадида амалга оширилган ислоҳотлар моҳиятини теран акс эттириш. Жумладан, ғоят оғир айни ўша шароитда аҳолига қўшимча томорқа ерлари ажратиш ҳақидаги фармон ва қарорлар қабул қилингани, шу асосда Ўзбекистон бўйича 2,5 миллион оилага ҳаммаси бўлиб 700 минг гектар суғориладиган ер томорқа сифатида хусусий мулк қилиб берилгани қишлоқларимизда ижтимоий муаммоларни ечиш, айтиш мумкинки, жар ёқасида турган юртимизда тинчлик ва барқарорликни сақлаб қолишда улкан тарихий қадам бўлганини чуқур очиб бериш. Ана шундай ўзгаришлар туфайли одамлар дунёда адолат ва ҳақиқат борлигига, мустақиллик ҳар қайси оила, бутун халқимиз учун ҳеч нарса билан ўлчаб, қиёслаб бўлмайдиган бебаҳо неъмат эканига чин дилдан ишонч ҳосил қилгани ва шу каби бошқа мисолларда мустақиллик деган буюк тарихий ҳодисанинг қадр-қиммати ва аҳамияти ҳақида фикр юритиш;

мустақиллигимизнинг иқтисодий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган энг муҳим стратегик дастурлар, жумладан, Ўзбекистоннинг ғалла мустақиллиги, ёқилғи-энергетика, транспорт-коммуникация соҳасидаги мустақиллигини таъминлаш, иқтисодиётимизнинг етакчи соҳаларини модернизация қилиш, илғор техника ва технологиялар билан қуроллантириш, энг замонавий корхоналарни барпо этиш, кичик бизнес ва тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини бугунги талаблар асосида ривожлантириш мақсадида амалга оширилган том маънодаги улкан ишларнинг мазмун-моҳиятини кенг таҳлил қилиш;

истиқлол йилларида бой тарихимиз, бебаҳо меросимиз, дину диёнатимиз, кўҳна урф-одат ва анъаналаримизнинг қайта тиклангани, истиқлол даври Ватанимиз учун чинакам маънавий тикланиш ва юксалиш даври бўлганини ифода этиш;

юртимизда мустақил давлат барпо этиш, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ҳаёт даражасига эришиш, Ўзбекистонимизни дунёдаги тараққий топган демократик давлатлар қаторига кўтаришдек улуғ мақсадларни ўз олдимизга қўйиб, бу марраларнинг нақадар буюк ва масъулиятли эканини ўзимизга чуқур тасаввур қилган ҳолда, ана шундай юксак уфқлар сари дадил бораётганимизнинг энг асосий омил ва мезонларини кенг ёритиш. Бунда, аввало, ўз қадр-қимматини чуқур англаган, мустақил ва эркин фикрлайдиган, бетакрор миллий қадриятларимиз, бебаҳо маданий меросимизнинг муносиб ворислари бўлиш билан бирга, дунё илму фани ютуқларини пухта ўзлаштириб, замон билан ҳамоҳанг бўлиб яшашга, манаман деган давлатлардаги тенгдошлари билан бемалол беллашувга тайёр бўлган соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш масаласи истиқлол йилларида Ўзбекистонда давлат сиёсати даражасига кўтарилганини акс эттириш. Қандай оғир бўлмасин, ана шу буюк мақсадни амалга ошириш учун барча куч-қудратимиз ва имкониятларимизни сафарбар этганимиз, шу йўлда аҳамиятини баҳолашнинг ўзи қийин бўлган ишларимизнинг амалий

(Давоми 2-бетда).

ДАСТУР ИЖРОСИДА ЖАМОАТЧИЛИКНИНГ ЎРНИ

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлинмаси, вилоят Матбуот ва ахборот бошқармаси ҳамда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлими ҳамкорлигида "Обод турмуш йили" Давлат дастурини амалга оширишда оммавий ахборот воситаларининг иштироки" мавзуида семинар ўтказилди. Унда вилоятда фаолият юритаётган журналистлар ҳамда мавзуга алоқадор соҳа вакиллари иштирок этишди.

Семинар "Обод турмуш йили" Давлат дастури мақсад ва вазифалари тўғрисида кенг ахборот-тушунтириш ишларини ташкил этиш", "Оила мустаҳкамлигини таъминлаш, аёлларнинг оила ва жамиятда тутган роли ва ижтимоий мақомини ҳамда фаоллигини ошириш борасидаги чора-тадбирлар", "Аҳоли фаровонлиги ва реал даромадлари ўсишини таъминлаш, ижтимоий муҳтож қатламлар ва кам таъминланган оилаларга давлат томонидан мақсадли ҳимоя ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимида олиб борилаётган ишлар", шунингдек, "Аҳоли саломатлигини сақлаш тизимини янада ривожлантириш – соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, тиббиёт ходимлари малакасини ошириш бўйича амалга оширилаётган ишлар", "Мамлакатда ўсиб келаётган ёшларни жисмонан соғлом, маънан етук – баркамол қилиб тарбиялаш ҳамда таълим сифатини янада ошириш ва такомиллаштириш борасидаги тажриба ва амалиёт", "Давлат дастурини амалга оширишда жамоатчилик назорати ва бунда журналистлар масъулияти: касб маҳорати ва этика" мавзуларида эркин мулоқот тарзида ўтди.

Равшан НЕЪМАТОВ.

Янги технология

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШНИНГ БУГУНГИ САМАРАЛАРИ

"Аммофос-Максам" очиқ акциядорлик жамияти мамлакатимизнинг минерал ўғитлар ишлаб чиқарувчи етакчи корхоналаридан бири. Бу ерда Қизилқум фосфоритлари негизида янги турдаги маҳаллий фосфат хом ашёсини қайта ишлаш технологияси жорий этилиб, юқори сифатли фосфорли аммофос ўғити олинмоқда.

Янги турдаги фосфорли минерал ўғит олишнинг тежамкор технологияси ундан ҳосил бўладиган фосфогипсни 1,1 миллион тоннага қисқартирди. Бундан ташқари, илгари фосфогипс таркибидан чиқариб ташланадиган қарийб 0,5 миллион тонна сульфат кислотасини ишлаб чиқаришга қайтариш имконини берди.

– Экстракцияланган фосфор кислотасини тозалаш муаммоси ҳал этилди ва экспортга мўлжалланган моноаммонийфосфат – МАФ тайёрлана бошланди, – дейди Олмалик "Аммофос-Максам" очиқ акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Баҳодир Содиқов. – Шунингдек, натрий фосфат олиш йўли билан экстракцияланган фосфор кислотасини чуқур тозалаш технологияси йўлга қўйилди.

Маҳаллийлаштириш дастури доирасида озуқабоп аммоний фосфат – ОАФ ишлаб чиқариш ҳамда оддий суперфосфатни поток усулида чиқариш технологиялари ўзлаштирилди. Шунингдек, таркибидаги азот миқдори камайтирилган янги турдаги маҳсулот – фосфорли "PS-Агро" ўғити технологияси шу йил бошида жорий этилди.

Корхонада NPK ўғитлари ишлаб чиқариш мақсадида 2013-2015 йилларда 17,754 миллион доллар ўзлаштириш кутилмоқда. Шунингдек, фосфорли ўғитлар ишлаб чиқаришни модернизация қилиш учун 2013-2015 йилларда 15 миллион доллар сарфлаш режалаштирилган.

Охирги 3 йилда корхона маҳсулотлари тури ва миқдори ортди. Хусусан, 2010 йилда 126 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, режа 102,5 фоиз бажарилган бўлса, 2012 йилда 164,7 миллиард сўмга етди.

Корхонага бириктирилган коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш мақсадида 2012 йилда 115 та янги иш ўринлари ташкил этилди. Бундан ташқари 42 та касаначи иш билан таъминланди.

Даврон АҲМАД олган сурат.

Вилоят ҳокими топшириқлари қандай бажарилаяпти?

ЭЪТИБОРСИЗЛИКДАН ХЎЖАСИЗЛИККАЧА БИР ҚАДАМ

"Бекободни намунавий шаҳарга айлантирамиз" шиори остида бўлиб ўтган кўргазмали семинарда иштирок этган вилоят ҳокими Аҳмаджон Усмонов амалга оширилаётган бунёдкорлик, ободонлаштириш ишларига тўхталиб, жойлардаги нохуш ҳолатларни ҳам таъкидлаб, хусусан, Ўрта Чирчиқ туманидаги бугунги аянчли манзараларга алоҳида урғу берганди.

– Пойтахтдан чиқишингиз билан дилингиз хира тортади, – деган эди Аҳмаджон Усмонов семинарда. – Эскириб, ёзувлари кўринмай кетган паннолар, бетартиб кўчалар, чиқиндилар – буларнинг барчаси бизга бериладиган баҳо...

Дарҳақиқат, бугун Ўрта Чирчиқ туманининг аксарият жойларидаги ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишларига оид вазият ачинарли эканлигига сабаб туман раҳбарлари ва аҳоли бундай манзараларга кўникиб қолганидир.

Масалан, туман марказида жойлашган истироҳат боғидаги ҳолат бу ерга келувчиларга ҳордиқ бағишлаш ўрнига дилини хуфтон қилади. Ёки Олим Аширов номли марказий ўйингоҳдаги аҳволга назар ташлайлик. Бу ердаги аянчли манзаралар ҳақида бундан анча илгари газетада танқидий мақола эълон қилинган эди. Бироқ, аҳвол ҳамон эски ҳаммом эски тос деганларидек... Ўйингоҳдаги кўримсиз манзара ёмонлашса ёмонлашганки, заррача ўзгармаган.

Тумандаги 57-умумтаълим мактаби ҳудудидаги қаровсиз қолган эски бинонинг хароб ҳолатини кўриб, қандай изоҳлашни билмайсан, киши.

Вилоятни ободонлаштириш, замонавий бинолар ва уй-жойлар қуриш йўлидаги саъй-ҳаракатлар бир ёқда-ю, мактаб ҳудудидаги назардан четда қолган бу бино бир тараф, назаримизда.

(Давоми 4-бетда).

Тадбир

Халқ демократик партияси вилоят кенгашининг "Фаол аёллар" қаноти, "Аёллар кенгаши" жамоат бирлашмаси Саломатлик ва тиббий статистика институти ҳамкорлигида Чиноз туманидаги 5-ихтисослаштирилган мактаб-интернатда тадбир ўтказди.

ФАРЗАНДЛАР КАМОЛИ – ОИЛА РАВНАҚИ

Халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари, жамоат ташкилотлари вакиллари ва мактаб-интернат тарбияланувчилари иштирок этган тадбирда бола тарбиясида оила ва жамоатчиликнинг роли ҳамда вазифалари тўғрисида гап борди. Шунингдек, Халқ демократик партияси дастурида ҳар бир оила ва бола, хусусан ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандларининг манфаатларини қўллаб-қувватлаш алоҳида эътиборга олинганлиги айтиб ўтилди.

Тадбирда таниқли санъаткорлар ва мактаб-интернат тарбияланувчилари тайёрлаган саҳна кўринишлари намойиш этилди. Болаларга тадбиркор ва ҳомийларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ

Қ А Р О Р И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ИККИ ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

натижаларини кўрсатиш. Бугунги кунда бу ютуқлар ҳаётимизда, мамлакатимиз тараққиётида, ўзгаларнинг ҳавасини тортаётган барқарор ўсиш суръатларида яққол намоён бўлаётгани, камол топаётган фарзандларимиз ҳаётимизнинг асосий, ҳал қилувчи кучи сифатида майдонга чиқаётганини таъсирчан мисолларда ифода этиш.

Юқорида зикр этилган фикрларни бундан ўн олти йил аввал қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва унинг узвий давоми бўлган Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури ва бошқа муҳим ижтимоий дастурлар таҳлили орқали мамлакатимиз ва дунё жамоатчилигига етказиш;

давлатимиз томонидан мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб аҳоли, биринчи навбатда ёшларимизнинг жисмонан бақувват, маънавий жиҳатдан етук авлод бўлиб улғайишига берилаётган юксак эътиборнинг яққол тасдиғи сифатида мамлакатимизда давлат бюджети харажатлар қисмининг 60 фоизга яқини таълим, соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият ва санъат, спорт соҳалари ривожига йўналтирилаётгани дунё тажрибасида камдан-кам учрашини, Ўзбекистон айни шу соҳаларда жаҳонда етакчи ўринларни эгаллаб бораётгани нуфузли халқаро эксперт ва таҳлил марказлари томонидан эътироф этилаётганига алоҳида аҳамият қаратиш;

истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатимиз аҳолисининг 50 фоиздан зиёдини ташкил этадиган хотин-қизларга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, аёл зотини эъзозлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оила ва жамият ҳаётидаги нуфузини ошириш, истеъдод ва қобилиятини рўёбга чиқариш, опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилишга қаратилган қарор ва дастурларнинг амалий натижаларини кўрсатиб бериш. Шулар қаторида оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, айниқса, қиз болаларнинг замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаб, ҳаётда муносиб ўрин олиши учун амалга оширилган кенг кўламли ишларимизнинг моҳияти ва аҳамияти, бу борадаги сиёсатнинг бугунги кунда изчил давом эттирилаётганини тарғибот-ташвиқот ишларининг бош мавзуси сифатида белгилаш;

мамлакатимиз, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси йилдан-йилга очилиб, тобора обод ва гўзал бўлиб бораётгани, жумладан, аҳолимизнинг асосий қисми яшайдиган қишлоқ жойларда муносиб турмуш шароитини яратиш, ижтимоий инфратузилма тармоқларини барпо этиш бўйича махсус давлат дастурлари жорий этилаётгани, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида шаҳар шароитидан кам бўлмаган замонавий уйжой массивлари комплекс барпо этилаётганини халқимиз ҳаётини янада фаровон қилишга қаратилган ишларнинг амалий намоёни сифатида қабул қилиш;

эришган барча ютуқларимизнинг ижодкори ва бунёдкори бўлган халқимизнинг онгу тафаккури, дунёқараши, ишга, ҳаётга муносабати бутунлай ўзгариб, дахлдорлик туйғуси, ўз кучи ва имкониятларига бўлган ишончи мустаҳкамланиб бораётгани, мухтасар айтганда, мустақил тараққиёт йўлида қандай юксак марраларга эришган бўлсак, уларнинг барчасининг негизида авваламбор одамларимизнинг ўсиб бораётган сиёсий, ҳуқуқий, маданий савияси ва ижтимоий фаоллиги мужассам эканини акс эттириш;

ҳозирги кунда бизнинг қандай шиддатли ва нотинч замонда яшаётганимизни инобатга олган ҳолда, тинч ва осойишта ҳаёт учун курашиш, керак бўлса, фидойилик кўрсатиб, доимо огоҳ, сезгир ва маънавий уйғоқ бўлиб яшаш, энг катта бойлигимиз бўлмиш юртимиздаги миллатлар ва фуқаролараро аҳиллик, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳитини кўз қорачиғидек асраш ва мустаҳкамлаш йўлида олиб борилаётган ишларнинг маъно-мазмунини очиб бериш;

айни мана шундай ўта мураккаб ва таҳликали бир шароитда дунёнинг турли минтақалари, яқин ва узоқ ҳудудларида, ён-атрофимизда қарама-қаршилик ўчоқлари кучайиб, бир сўз билан айтганда, хавф-хатар тобора ўсиб бораётган бир вазиятда Ўзбекистоннинг халқаро майдонда олиб бораётган ташқи сиёсатини, унинг мамлакатимизнинг миллий манфаатларига жавоб берадиган стратегик устувор йўналишларини аниқ белгилаб олиш бугунги кунда энг долзарб масалалардан бири бўлиши табиийдир. Шу мақсадда 2012 йил сентябрь ойида қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги қонунда белгилаб берилган асосий принциплар, яъни:

Ўзбекистоннинг турли ҳарбий сиёсий блоклардан узоқ бўлиши ҳақида;

ўзининг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш бўйича қатъий позицияга эга бўлиши ва ўз ҳудудида хорижий давлатларнинг ҳарбий базалари жойлаштирилишига йўл қўймаслиги ҳақида;

очиқ, изчил ва фаол ташқи сиёсат олиб бориши ҳақида аниқ-равшан баён этганини кенг оммага етказиш;

Ўзбекистон Қуролли Кучларининг мамлакатимиз мустақиллиги, суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини сақлаш, тинч ва осуда ҳаётимизни ҳимоя қилишнинг мустаҳкам таянчи бўлиб келаётганини, ҳарбий хизматнинг ёшларимиз учун ҳақиқий мардлик, чиниқиш ва тобланиш мактабига айлангани, халқ ва армия – бир тану бир жон эканини ҳаётий мисолларда кенг тарғиб этиш.

3. Республика Маънавият ва маърифат кенгаши томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрида Мустақиллик байрамига бағишлаб аҳолининг кенг қатламлари ўртасида жонли мулоқот ва суҳбатлар, учрашувлар, адабий-бадиий кечалар, маданий тадбирлар ўтказиш мақсадида таниқли олимлар, адиблар ва санъаткорлардан иборат маънавий-маърифий тарғибот гуруҳлари ташкил этилсин ҳамда уларнинг аниқ режа асосида фаолият олиб бориши таъминлансин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига Хотин-қизлар қўмитаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Нуроний" жамғармаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди билан биргаликда:

Мустақиллик байрамининг йигирма икки йиллигини муносиб нишонлаш учун жойларда ҳудудий комиссиялар тузиш, республика дастурида белгилаб берилган асосий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш;

байрам муносабати билан халқимизга хос бўлган урф-одат ва анъаналарга муносиб равишда шаҳар ва қишлоқлар, маҳалла ва гузарлар, кўп қаватли уйлар атрофида ободонлаштириш бўйича тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш топширилсин.

Мазкур режа ва дастурлардан ўрин олган тадбирларни расмиятчилик ва баландпарвозлик ҳолатларига йўл қўймасдан, кенг жамоатчилик вакилларини жалб этган ҳолда, одамларнинг қалби ва онгига етиб борадиган, уларнинг кайфиятини кўтарадиган, янги марралар сари илҳомлантирадиган халқчил ва таъсирчан рухда ўтказишга алоҳида эътибор қаратилсин.

5. Республика комиссияси ўз йиғилишларида дастурда белгиланган чора-тадбирлар марказда ва жойларда қандай амалга оширилаётгани юзасидан ҳар бир ҳудуд, вазирлик ва идора раҳбарлари ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказиладиган байрам дастурларини тайёрлашга оммавий томошалар бўйича юксак маҳорат ва тажрибага эга бўлган сценарист ва режиссёрлар, ёзувчи ва шоирлар, композитор ва балетмейстерлар, саҳна рассомлари, истеъдодли ёш ижрочилар, фольклор санъати вакилларидан иборат ижодий гуруҳлар кенг жалб этилсин.

7. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси, Ёзувчилар ва Бастакорлар уюшмалари билан биргаликда юртимиз истиқлолини тараннум этишга қаратилган энг яхши қўшиқлар, мусиқа асарлари учун "Ягонасан, муқаддас Ватан!" республика танловининг якуний босқичини ўтказсин. Танлов ғолиблари ва совриндорлари Мустақиллик байрами арафасида эълон қилинсин.

8. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси билан биргаликда август ойининг охирида мамлакатимиз мустақиллигига бағишланган "Энг улуғ, энг азиз" анъанавий танловининг якуний босқичини ўтказсин.

9. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси ва Бастакорлар уюшмаси билан биргаликда ёш ижрочилар ўртасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ниҳол" мукофотига номзодларнинг республика саралаш босқичини ҳамда ғолиблар ижросидаги концерт дастурини август ойининг биринчи ярмида юқори даражада ташкил этсин.

10. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар ҳамда жойлардаги ишлаб чиқариш корхоналари, хўжаликлар, жамғармалар ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қопланади.

11. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, "Жаҳон" ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 2013 йил 12 июнь.

(Давоми. Боши 1-бетда).

"Обод турмуш йили" Давлат дастури доирасида 6,7 минг гектар майдонда боғлар, 6,8 минг гектарда токзорлар яратилиб, қарийб 11 минг гектар майдондаги боғ ва токзорлар тикланмоқда. Бу элимиз дастурхони тўкинлиги, мамлакатимиз экспорт салоҳиятининг юксалишига хизмат қилади. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2006 йил 11 январда қабул қилинган "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда жорий йил 13 мартда имзоланган 2013-2015 йилларда узумчиликни янада ривожлантиришга оид қарорлари бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

БОҒЛАР – ОБОДЛИК БЕЛГИСИ

Бугунги кунда барча тоифадаги хўжаликларда 250 минг гектар боғ ва 127 минг гектар токзорлар мавжуд. 2012 йилди уларда 2 миллион 52 минг тонна мева ва 1 миллион 205 минг тонна узум етиштирилди.

Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигидан маълум қилишларича, жорий йилнинг ўтган даврида 5 минг 500 гектар токзор, 4 минг 500 гектар боғ барпо этилиб, қарийб шунчаси реконструкция қилинган. Паркент, Бўстонлиқ, Янгийўл, Зангиота, Самарқанд, Жомбой, Асака туманларининг мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштирилгани яхши самара бермоқда.

Бу борадаги ишларда "Мева-Шарбат" боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий ишлаб чиқариш корпорацияси ҳам фаол иштирок этмоқда. Корпорация томонидан бу йил фермер хўжаликларига тўққиз юз мингга яқин мева кўчати, бир миллион икки юз минг донадан зиёд ток ва етти юз минг дона ярим пакана мевали кўчатлар етказиб берилди.

Илмий жамоа яратган "Кишмиш ботир", "Кишмиш ифтихор", "Кишмиш Суғдиёна", "Ризамат", "Ҳусайни мускат" каби ўндан ортиқ узум навлари аҳолига манзур бўлаётир.

Корпорацияда йилнинг исталган вақтида хоҳлаган мевали дарахтни етиштириш имконини берувчи ниҳолларни тувакларда кўпайтириш технологияси йўлга қўйилган.

– Хитойлик селекционерлар тажрибасига асосан 30-60 литрлик тувакларда мевали дарахт кўчатлари ўстирилмоқда, – дейди корпорациянинг агротехника бўлими бошлиғи А. Орипов. – Ўтган йили бу тажриба Сербиядан олиб келинган бир ярим минг дона пакана дарахт кўчатларига ҳам қўлланилди. Кузнинг сўнгги кунигача ташқарида турган кўчатлар совуқ бошлангач, махсус хоналарга кўчирилди. Қиш давомида хона шароитида парваришланиб, баҳорда яна ҳовлига чиқарилди. Бунда фойдаланилаётган пластмасса тувакларнинг арзон, енгил, кўчиришга қулай бўлиб, ўсимлик томирларига зарар етказмайди. Бу эса зарур пайтда уларни ерга экиш имконини беради.

Бу усул мелиоратив ҳолати ёмон, шўрланган ва камҳосил ерларда ҳам боғдорчиликни ривожлантириш имконини беради. Бундай дарахтлардан уй шароитида ҳам ҳосил олса бўлади. Кўчма боғларнинг яна бир афзаллиги – улар оддий боғларга нисбатан бир ой олдин ривожланади. Январнинг охирида куртак ёзиб, февралда гуллаган дарахтларнинг меваси июнь ойида пишиб етилади. Ушбу дарахтлар тўрт, беш йилда тўлиқ ҳосилга киради.

– Тез ҳосилга кирувчи ва маҳсулдор ярим пакана дарахт кўчатларини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда, – дейди "Мева-Шарбат" боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий ишлаб чиқариш корпорацияси бош директори Шермуҳаммад Юсупов. – 2011-2012 йилларда мамлакатимизда 5,3 минг гектар интенсив боғлар яратилган бўлса, жорий йилда яна 3,5 минг гектардан зиёд ана шундай боғ барпо этилди. Бундай боғлар, айниқса, Самарқанд, Тошкент, Андижон, Фарғона, Наманган, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида тобора кенгаймоқда.

Интенсив боғларда агротехник тадбирлар ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли ўтказилса, янги экилган пакана ва ярим пакана кўчатлар иккинчи-учинчи йилдан бошлаб ҳосилга киради. Аввалига гектаридан 2-5 тонна, учинчи йилдан 10 тоннагача, тўртинчи ва бешинчи йиллардан эса 40-50 тоннагача ҳосил беради. Бу маҳаллий боғларга нисбатан 2-3 баробар кўпдир.

Интенсив боғларда томчилатиб суғориш технологияси кенг қўлланилаётир. Томчилатиб суғорилганда даладаги экинлар бир хилда сув ва озуқа олгани боис ҳосил сифати яхшиланади. Мисол учун, боғ ва токзорларда 40 фоиз, сабзавотларда 80 фоизгача ҳосилдорлик ортиб, пишиш муддати 10-15 кунга тезлашади. Ҳозир қарийб олти минг гектар боғ шу тартибда суғорилмоқда.

Юртимизда янги боғ ва токзорлар барпо этиш, ярим пакана дарахт кўчатларини кўпайтириш ва ҳудудларга етказиб беришга бел боғлаган илмий жамоа томонидан вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасида ўқув-семинарлари мунтазам ташкил этилиб, аҳоли ва фермерларга интенсив боғларнинг афзаллиги, уларни парваришлаш ва суғориш усуллари хусусида кенг тушунтиришлар берилмоқда.

ЎзА.

Галла – 2013

КОМБАЙНЧИЛАР МАЛАКАСИ ОШИРИЛДИ

"Бекобод агротехсервис" масъулияти чекланган жамияти ишчи-ходимлари 2013 йилги ғалла ўрим-йиғими мавсумига комбайнларни барвақт шай ҳолатга келтириб қўйишган эди. 36 та ўрим комбайни қўшни туманларга ҳам ёрдам бериш имконига эга.

"Бекободавтосавдо" МЧЖ билан ҳамкорлик жамоага наф бераяпти. Ҳамкор ташкилот шу йилнинг ўзида 60 млн. сўм молиявий ёрдам кўрсатди. Натижада корхона таъмирлаш ишларини сифатли ўтказиб, зарур техник жиҳозларга ҳам эга бўлди.

– Корхонамизда замонавий техникани бошқара оладиган ёш мутахассислар тайёрлашга эътибор кучайтирилди, – дейди раҳбар Фурқат Эрматов. – Шу йилнинг ўзида 10 та янги иш ўринлари очилди. Яна қўшимча 20 та иш ўрни яратиш ҳаракатидамиз.

Корхона касб-ҳунар коллежларини битирган ёшларга алоҳида эътибор қаратмоқда. Яқин кунлар ичида корхонага замонавий русумдаги 20 та янги пахта териш машиналарини олиб келиш кўзда тутилган. Шу боис, ёшларнинг касб маҳоратини оширишга жиддий ёндашилмоқда.

Ашурали БОЙМУРОД.

ГУЛ ЭКСАНГ – ЕРНИНГ КЎРКИ

Чиноз тумани Олмазор қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежида шу шиор остида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси туман кенгаши, коллеж ва умумтаълим мактаблари ҳамда жоме масжиди вакиллари иштирок этган тадбирда коллеж талабалари йигит-қизлар одоби, маданияти, айрим ёшларнинг енгил-елпи кийинишлари, ота-оналарнинг фарзанд тарбиясига лоқайдлигига оид саҳна кўринишларини намойиш этдилар.

Тадбир сўнгида фаол иштирок этган талабаларга эсдалик совғалари топширилди.

Ўз мухбиримиз.

ИККИ ТУМАНДА ҲАФТАЛИК

Оққўрғон ва Қуйи Чирчиқ туманларида саломатлик ҳафталиги давом этмоқда.

Республика саломатлик ва тиббий статистика институти вилоят филиали мутахассислари ва жойлардаги қишлоқ врачлик пунктлари тиббиёт ходимлари билан биргаликда мактаб, касб-ҳунар коллежи ўқувчилари ҳамда маҳалла аҳолиси ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, эрта турмуш қуриш, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари, тамаки чекишнинг зарари, юқумли касалликларнинг олдини олиш борасида қизиқарли маълумотларга бой тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришмоқда.

Бундан ташқари, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи тарғиботини янада кучайтириш мақсадида институт мутахассислари томонидан тиббиёт ходимлари ўртасида ўқув-машғулотлари ҳам ўтказилмоқда.

Фарида КОМИЛОВА.

ЭЪЛОН

ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент вилояти ҳокимининг 2009 йил 2 февралдаги 12-сон "Вилоят ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмларни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш тўғрисида"ги фармойишига асосан сифатли озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектларини танлаб олиш бўйича вилоят Танлов комиссияси фаолият юритмоқда. Комиссия 2013 йил II чорак июнь ойи учун Тошкент ҳарбий округи таркибига кирувчи ҳарбий қисмларга сифатли озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш бўйича қуйидаги маҳсулотларга қайта танлов эълон қилади:

1. 1-нав ундан чиқарилган қотган нон
2. Иккинчи тоифали гўшт маҳсулоти (ГОСТ 779-55)
3. Ярим дудланган колбаса маҳсулоти (O'zDSt 148-2001, ГОСТ 16351-86) (олий навли)
4. Дудланган гўшт (O'zDSt 994-2001)
5. Томат пастаси 30 фоиз (ГОСТ 3343-89)
6. Кўкатлар
7. Шолғом, турп, редиска
8. Хўл мевалар
9. Қуритилган мевалар
10. Хамиртуруш (дрожжи) (ГОСТ 171-81, ГОСТ 28483-90)
11. Компот консерваланган

Танловда мазкур маҳсулотларни етказиб бериш бўйича тажрибага эга бўлган ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ танловларда иштирок этиш ва маҳсулотлар етказиб бериш бўйича фаолияти тақиқланмаган фермер ва деҳқон хўжаликлари, ишлаб чиқариш ва савдо корхоналари иштирок этишлари мумкин.

Ёзма аризаларда қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши лозим: хўжалик субъектининг тўлиқ номи, почта манзили, телефон ва факс рақами, электрон почта манзили, Ф.И.Ш.

Ёзма аризалар ва танлов таклифлари солинган конвертлар қуйидаги манзилга топширилади: Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 17-уй, Тошкент вилояти ҳокимияти. Ёзма аризалар ва муҳрланган конверт 2013 йил 17 июнь кунидан кечиктирмасдан тақдим қилиниши лозим.

Конвертга қуйидаги ҳужжатлар солинган бўлиши керак:

– маҳсулотлар номи, нархи ва ҳажми кўрсатилган тижорат таклифи;
– гигиена, сифат ва карантин бўйича сертификатлар;
– лицензия, корхона низоми ва паспорти нусхалари;
– солиқ ва хизмат кўрсатувчи банкдан қарздорлик мавжуд эмаслиги;
– мавжуд ишлаб чиқариш майдони, омбор (музлаткич) тўғрисидаги маълумотномалар.

Танлов таклифлари солинган конвертларни 2013 йил 17 июнь куни Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 17-уй, Тошкент вилояти ҳокимияти биносида (4-қават) танлов қатнашчилари ёки уларнинг вакиллари иштирокида очиш режалаштирилмоқда.

Маълумот учун телефонлар:
(8-371) 236-29-10, 233-75-11.

НАЗОРАТНИНГ МАҚСАДИ ФАОЛИЯТНИ ЯХШИЛАШ

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тизимини ривожлантириш, уни мамлакат иқтисодиётининг етакчи тармоғига айлантириш саъй-ҳаракати кучайтирилмоқда. Ушбу тармоқ бир меъёрда фаолият юритиши учун барча зарур шарт-шароит ва имкониятлар яратиляпти.

Жумладан, тадбиркорлар фаолиятини назорат қилишда улар ортиқча оворагарчилигу сарсонгарчиликлардан ҳоли бўлишлари учун ҳукуматимиз томонидан бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Хусусан, "Тадбиркорлик фаолияти эркинликларининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни асосий меъёрий ҳужжатлардан биридир. 2000 йилда қабул қилинган мазкур қонунни такомиллаштириш, хусусий тадбиркорлар фаолиятини янада эркинлаштириш мақсадида 2012 йилда ушбу ҳужжатга бир қатор ўзгартиришлар киритилди. 39-моддада назорат қилувчи органлар режали текширув бошланиши ҳақида камида ўттиз кун олдин тадбиркорлик субъектларини текширув муддатлари ва предметини кўрсатган ҳолда ёзма шаклда хабардор қилишлари шартлиги белгилаб қўйилган.

Мазкур ҳужжатга асосланган ҳолда назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши раҳбари номидан назорат органлари ҳамда барча ҳудудий комиссияларга махсус хабарнома келди. Ўз навбатида ҳудудий комиссиялар ва юқори назорат органлари қуйи органларга мазкур йўналиш бўйича йўриқномалар юборди.

Айни кунда "Ўздавнефтгазинспекция" вилоят бўлими ҳам мазкур ҳужжатларга асосланган ҳолда назорат фаолиятини олиб бормоқда. Вилоятда нефть маҳсулотлари ҳамда газ сотиш ва бошқа тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тасдиқланган режа асосида вақти-вақти билан текшириб туриш мақсадида улар олдиндан хабардор қилиб борилмоқда. Хусусан, бундай хабарномада текширувга асос бўлган режали жадвал ҳамда ушбу йўналишдаги ҳукумат меъёрий ҳужжатлари асос қилиб олингани ва текшириш муддатлари кўрсатилмоқда.

Айтайлик, ходимларимиз шундай хабарнома юборилмаган корхона фаолиятини текшириш мақсадида боришса, тадбиркор уларни ҳатто корхонага киритмасликка ҳам ҳақли. Чунки, бундай текширув ноқонуний ҳисобланади. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини назорат қилиш билан боғлиқ ушбу имтиёзлар юртимизда ишбилармонлик муҳитининг янада равнақ топишига туртки бўлди, дейиш мумкин.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Давлатимиз томонидан яратиб берилаётган бундай шарт-шароит ва имкониятлардан самарали фойдаланиш лозим. Мазкур имтиёзларни суиистеъмол қилиш, белгиланган қонун ҳужжатларидан четга чиқишга йўл қўймаслик керак. Шунда тадбиркорларнинг фаолиятлари янада ривожланиб, топганларига барака киради.

Жамол САЛИМОВ,
"Ўздавнефтгазинспекция" вилоят бўлими раҳбари вазифасини бажарувчи.

Савол беринг, жавоб оласиз

БУТУН ОИЛА ШИФОХОНАГА ТУШДИ

Дўкондан озиқ-овқат маҳсулоти сотиб олгандим, у сифатсиз экан, бутун оила аъзоларимиз билан заҳарланиб, шифохонада даволаниб чиқдик. Бундай вазиятда бизга етказилган зарарни ундиришим мумкинми? Унинг қанчалигини ким белгилайди?

Мастура ҲИСОМОВА, Чирчиқ шаҳри.

Ўзбекистон Республикаси "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунининг 4-моддасида белгиланганидек, истеъмолчи ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулки учун хавфли нуқсони бўлган товар (иш, хизмат), шунингдек, ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи)нинг ғайриқонуний ҳаракати (ҳаракатсизлиги) туфайли етказилган моддий зиён ва маънавий зарар тўлиқ ҳажмда қопланади.

Истеъмолчи бузилган ҳуқуқлари ёки қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатлари ҳимоя қилинишини сўраб, судга, бошқа ваколатли давлат органларига мурожаат қилиб, етказилган маънавий ва моддий зарарни ундириш ҳуқуқига эга.

Маънавий ва моддий зарар миқдорини суд қарори билан ўтказилган экспертиза хулосасига асосан тақдим этилган асосли ҳужжатлар орқали суд белгилайди ва бу ҳолатга сабабчи бўлган шахс (ижрочи, сотувчи), ишлаб чиқарувчи томонидан тўланади.

ИСТЕЪМОЛЧИ КЎРГАН ЗАРАР УНДИРИЛАДИ

Яқинда мато харид қилгандим. Уйга келиб кўрсам, нуқсонлари, яъни кўп жойида доғлари бор экан. Дўконга олиб борсам, сотувчи қайтариб олмаслигини, мато учун тўланган пул инкассация орқали банкка тушиб бўлганини баҳона қилди. Бу ҳолатда мен нима қилишим керак?

Муҳтарам ИҚБОЛОВА, Чиноз тумани.

Ўзбекистон Республикаси "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунининг 14-моддасига биноан истеъмолчи товарнинг ишлаб чиқарилишига, тузилишига, таркибига доир камчиликларни ёки бошқа нуқсонларни аниқланган тақдирда сотувчи (ишлаб чиқарувчи) уни айни шундай (моделли, артикулли) товарга етти кун муддатда, товар сифатини сотувчи (ишлаб чиқарувчи) томонидан қўшимча равишда текшириш зарур бўлганда эса, истеъмолчи талаб

қўйган пайтдан эътиборан йигирма кун ичида алмаштириб бериши шарт.

Айни шундай маркали (моделли, артикулли) товар бўлмаган тақдирда, истеъмолчининг алмаштириб бериш хусусидаги талаби даъво қилинган пайтдан эътиборан бир ой ичида қондирилиши керак. Чўл ва бошқа олис, яъни товарлар вақти-вақти билан олиб бориладиган жойларда истеъмолчининг бундай талаби ушбу жойларга навбатдаги товар етказиб бериш учун кетадиган муддат ичида, лекин икки ойдан кечиктирмай қондирилиши лозим.

Шу муддатларнинг ўтказиб юборилган ҳар бир куни учун сотувчи (ишлаб чиқарувчи) истеъмолчига алмаштирилган товарни бериш билан бир вақтда товар баҳосининг бир фоизи миқдорида пеня (неустойка) тўлайди.

Саволларга Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари вилоят ҳудудий бирлашмаси мутахассиси Гавҳар СОАТОВА жавоб берди.

Саломат бўлинг

ОВҚАТЛАНИШ МАДАНИЯТИ

Замонамиз шиддатли, вақт эса югурик. Кейинги пайтларда кўпчилик вақт етишмаслигидан шикоят қилади. Ҳаттоки, айримлар овқатланишга ҳам етарли вақт ажратолмай, бир неча жараённи баравар бажарадилар. Масалан, нонушта ва тушлик вақтида китоб ёки газета-журнал ўқийдилар, кечки овқатни телевизор кўриш, компьютерда ишлаш билан бирга тановул қиладилар. Бу жуда нотўғри ва зарарли одат.

Одам овқатланаётганда ўқиган, кўрган, эшитган воқеа-ҳодиса таъсирида ҳис-ҳаяжонга берилиб, ебичаётган таомининг мазасию миқдорини назорат қилолмайди. Жуда кўп касалликлар айнан нотўғри овқатланиш ёки аниқроғи, овқатланиш маданиятига риоя қилмасликдан келиб чиқади.

Овқат ҳазм бўлиши мураккаб жараён экани кўпчиликка аён. Иштаҳа бу жараёнга жуда яхши таъсир қилади. Овқат иштаҳа билан ейилганда, танага яхши сингади. Овқатланаётган пайтда ўқиш ҳазм безлари ишини ва меъда ширасининг ажралишини бузади, иштаҳа йўқолади, киши еган таомидан лаззатланолмайди. Таом еб туриб, бошқа ишларга алаҳсиган одам луқмани чала-чулпа чайнаб ютади. Чала чайналган овқат эса яхши ҳазм бўлмайди. Бундай ҳол такрорланавериши оқибатида ошқозон бези касалликлари юзага келади. Бундан ташқари, эътиборсизлик билан майда суяк ёки зарарли нарсани беихтиёр ютиб юбориш, натижада ҳалқум, қизилўнгач, томоқни шикастлаш мумкин. Шунингдек, овқат маҳали нигоҳни дастурхондан тез-тез узиш, кўзга оғирлик тушириши ва вақт ўтиши билан унинг хиралашишига сабаб бўлади.

Овқатланаётганда бошқа нарсага чалғиш дастурхон атрофидагиларга, таом тайёрлаганларга ҳурматсизлик бўлади. Зеро, овқатланиш маданияти инсоннинг ички маданиятидан дарак берувчи муҳим жиҳатдир. Унга амал қилсак, ҳар қандай даврада уялиб қолмаймиз.

Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

